

839

**ЎЗБЕКИСТОН 11 ЙИЛ  
МУСТАҚИЛ ТАРАККИЁТ  
ЙЎЛИДА**

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Олий мактаб Халқаро фанлар академияси Ўзбекистон бўлими

# ЎЗБЕКИСТОН 11 ЙИЛ МУСТАҚИЛ ТАРАККИЁТ ЙЎЛИДА

*Мустақиллик дарслари  
учун ўқув қўлланма*

259057

Республика

Мустақиллик

дарслари

учун ўқув

қўлланма

Тошкент – 2002

2002–2003 ўқув йилида таълим муассасаларида ўтиладиган мустақиллик дарслари “Ўзбекистон 11 йил тараққиёт йўлида” мавзусига бағищланади. Мазкур ўқув кўлланимада Ўзбекистоннинг 11 йил давомида қўлга киритган ютуқлари қисқача ёритилган.

Мазкур ўқув кўлланма таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ўқувчиларига мўлжалланган.

Муаллифлар: Саидаҳрор Фуломов,  
Оқил Салимов,  
Қамариддин Усмонов,  
Дўнан Фаниев

## КИРИШ

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгани ва мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига 11 йил бўлди. Бу йиллар моҳиятнан юртимиз тарихида шарафли ва ўта масъулиятли даврни ташкил этди. Хар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб бормоқда. Ўзлигимизни англаб, юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган янгиланиш жараёнларини ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Миллий истиқлол гояси бизнинг имонимиз мезонига айланиб, қарамлик, бокимандалик кайфиятидан озод бўла бошладик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлик эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

**“Ўтган даврнинг ҳар бир йилини аҳамияти жиҳатидан тарихимизнииг ўн йилликларига, ҳатто асрларига тенглаштириш мумкин, десак муболага бўлмайди”.**

И.А. Каримов

## Ватан мустақиллиги учун қураш тарихидан

Тарихда биронта халқ, бирон-бир миллат ўз мустақиллигини ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритмаган. Шу билан бирга, истиқлолга эришиш ва унинг неъматларидан фойдаланиш бир кунлик ва ҳатто бир неча йиллик иш эмаслиги ҳам тарихдан маълум.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг ўз тарихига бўлган қизиқиши ортиб бормоқда.

**“Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган кишлок, шаҳар, хулласки, Ватанимизнинг тарихини билишни истайди”.**

И.А.Каримов

Тарихимизни ўрганар эканмиз, Ватанимиз умумжахон цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири бўлганига ишонч хосил қиласиз.

**“Тарихда “Турон”, “Туркистон” ва “Мовароунар” номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшинади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди”.**

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида, Т., “Ўзбекистон”, 1998, 379-б.

Халқимизнинг Ватан мустақиллиги учун кураш тарихидан сўз кетар экан, бу йўлда ўз юргининг озодлиги ва халқнинг баҳтсаодати учун ҳаёт-мамот жангларида жонини курбон қилган аждодларимизнинг муқаддас номларини турур билан тилга оламиз. Тўмарис, Широқ, Снитамен, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Махмуд Таробий, Амир Темур, Мадали Эшон, Номоз Примкулов ва бошқалар ажнабий босқинчиларга қарши озодлик учун кураш олиб бордилар ва улар ўзларининг метин иродалари, сабот-матонатлари, гайрат ва жасоратлари билан ўз замондошлари қалбидан чукур жой олдилар ҳамда келгуси авлодлар хотирасида абадий сакланиб қоладилар.

Шу муносабат билан улардан баъзиларининг кўрсатган жасоратлари ҳакида тўхталиб ўтамиз.

Милоддан аввалги 530 йилда массагетлар йўлбошчиси малика Тўмарис Кир II бошчилигидаги ажнабий босқинчиларга қарши курашда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Тўмарис халқимиз орасида озодлик учун курашчи ва Ватанга садоқат рамзи сифатида қадрланади.

Аҳмонийлар шохи Доро I милоддан аввалги 519-518 йилларда Ватанимиз устига қўшин тортиб, уни таслим этмоқчи бўлди. Оддий йилқибоқар Широқ ўз Ватанига бостириб кирган душманларга ҳийла ишлатиб, уларни ҷалғитиб, Кизилқумнинг ҳалокатли жазира маҳалласига бошлаб борди ва ўз жонини курбон қилиб, Ватани ва халқини ёвуз босқинчилардан асраб колди. Широқ халқимиз хотирасида мислат ва Ватанга фидоийлик ҳамда ватанпарварликнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолди.

Еки Снитамен жасоратини олайлик. Маълумки, милоддан аввали IV асрда юнонистонлик Искандар Зулқарнайн Ватанимиз ҳудудига

бостириб кириб, халқимиз бошига қанчадан-қанча кулғатларни солди. Халқ қаҳрамони Спитамен бошчилигида Самарқандда күтарилиган кўзғолон Искандар Зулқарнайн кўшинларига катта талофат келтирди. Бу кўзғолон бугун бактриялик ва сұғиёналикларни озодлик учун курашга илҳомлантириди.

VIII асрнинг бошларида араб босқинчилари Мовароуннахр худудларини босиб олдилар. Истилочиларга қарши 10 йилдан ортик давом этган халқ кўзғолонига Муқанна бошчилик қилди. Бу кўзғолон кейинги авлодлар учун халқимизнинг эрк, озодлик ва мустақилик йўлида олиб борган курашларида муҳим босқич бўлди.

XIII асрнинг бошларида Чингизхон бошлиқ муғул истилочилари мамлакатимизга юриш бошлади. Мамлакат даҳшатли олов ичида ёнди. Хўжанд шахри ҳокими ва жасур саркарда Темур Малик халқни муғул босқинчиларига қарши чорлади ва унинг мардона курашлари душманни саросимага солди. Муғул босқинчиларига қарши курашда Шайх Нажмиддин Кубро жасорати тилларда достон бўлди. Оддий чумолига ҳам озор бермасликни тарғиб қилиб юрган руҳоний Нажмиддин Кубро халқни муғул истилочиларига қарши “Ё ҳаёт, ё мамот!”, “Ё ватан, ё шарафли ўлим!” деб курашга чорлади. Урганч шахри ичида донишманд Кубро борлигини билган Чингизхон уни шаҳардан бемалол чиқиб кетишига ижозат беради. Лекин Кубро Чингизхоннинг бу мурувватини қабул қилмади ва жангта кирди, кўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этди.

Ёки Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машҳур вакили Жалолиддин Мангубердининг муғул истилочиларига қарши олиб борган курашини олайлик. У ўз қўшинлари билан 11 йил давомида душманнинг ғарб мамлакатларига ва жанубга қараб юришини тўхтатиб кўйди.

**“Жалолиддин Мангуберди ғаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, Ватан дея ҳалок бўлди”.**

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 373-б.

Жалолиддин Мангуберди жасорати тўғрисида Чингизхоннинг ўзи “Огадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган, у саҳрова шер каби ғолиб жангчи, дарёда наҳанг каби ботир” деб ҳайратга тушгани ва унга тан бергани тарихий манбалардан маълум.

Мовароуннахрни муғул истилочиларидан озод этиш, тобора парчаланиб бораётган мамлакатни бирлаштириш, унинг мустақиллигини таъминлаш, муғул истилочилари зулми остида исчорлашиб ва қашшоқлашиб бораётган халқ турмушини ўнглаш йўлида олиб борилган кўп йиллик курашларга соҳибқиран Амир Темур бошчилик қилди. Амир Темур мамлакатни душмандан озод этиш, унинг ҳудудларини мустаҳкамлаш, барча ўлкаю ҳокимликлар ўртасида аҳилликни, биродарликни барқарор этишни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Бу мақсадни амалга ошириш учун Муғалистон сари 7 бор ҳарбий юришлар қилди, уларнинг ҳаммасида ғалаба қозонди. Мовароуннахрнинг шарқий ва щимолий ҳудудлари даҳлсизлигини таъмин этди. Бунинг натижасида Мовароуннахр марказлашган қудратли давлатга айланди. Шундай килиб, Амир Темур:

- шаръий ва инсоний қонунлар устуворлигини таъминлайдиган;
- кучли ва қудратли лашкарларга суюнадиган;
- фуқаронинг манфаатларини бир дақиқа бўлса ҳам кўздан қочирмайдиган;
- мамлакатда тинчлик ва осойишталикини таъмин этадиган;
- ўзга давлатлар билан тиҷорат ва элчилик воситаси ила тинч-тотувликни йўлга кўядиган;
- қонунлар ва урф-одатларга асосланган;
- адолат ва озодлик дастурига тўла амал қиласидиган марказлашган давлат тузди.

“Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойdevorини қурган, давлатнинг ҳукукий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади”.

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 410-б.

Тарих тақозоси билан XVI-XVIII асрларда мамлакатимиз уч хонликка бўлинниб кетди. Хонлар, амирлар ва беклар ўртасида асрлар мобайнида давом этган ўзаро низо ва урушлар

пировардида мамлакатни инқирозга учратди. Бундан фойдаланган чор Россияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни босиб олиб, ўз хўмронлигини ўрнатди. Оддий меҳнаткаш ҳалқ ҳам, маҳаллий амалдорлар ҳам мустамлакачилар зулми остида эзилди.

Чоризм истибодига қарши Ўрга Осиёда тинимсиз қўзғолонлар ва ҳалқ ҳаракатлари бўлиб турди. 1892 йилги Тошкент қўзғолони, 1898 йилги Андижондаги Мадали Эшон қўзғолони, XX аср бошларидағи Номоз ботир бошчилигига Самарқанд вилоятидаги қўзғолонлар бунинг ёрқин мисолидир. 1916 йилда Туркистонда чоризм мустамлакачилик зулмининг янада кенгайиши, оғир иқтисодий танглик, очарчилик ва қашшоқликнинг авж олиши муносабати билан истибоддога қарши ҳаракатларнинг янги тўлқинлари бошланди. Шу йили тарихда машхур бўлган Жиззах қўзғолони бошланиб, бу ҳаракат кўп ўтмай Туркистоннинг бошқа жойларига ҳам тарқалди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон ижтимоий сиёсий ҳаётида жадидчilik ҳаракати кенг тус олди. Бу ҳаракатнинг энг таниқли намояндалари **Махмудхўжа Беҳбудий**, **Абдурауф Фитрат**, **Абдулла Авлоний**, **Абдулҳамид Чўлпон**, **Абдулла Қодирий**, **Убайдулла Хўжаев**, **Мунаввар Қори**, **Полвонниёз Ҳожиюсупов** ўз олдиларига маҳаллий ҳалқни маърифатли қилишни, чор мустамлакачиларига қарши миллий мустақиллик учун кураш олиб бориб, эрк ва озодликка эришишни асосий мақсад қилиб кўйдилар. Ўрга Осиёда қизил советлар ҳокимияти ўрнатилгач, унинг гайритабии, зўравонларча сиёsatига қарши озодлик учун ҳам қуролли, ҳам маънавий-маърифий курашлар авж олиб кетди. Бундай ҳаракатларнинг бошида бир томондан меҳнаткаш ҳалқ ичдан чиққан чоризм ва советлар мустамлакачилигининг ижтимоий заарли оқибатларини тутатиш, қонуний йўл билан Ватан озодлигига эришиш учун ҳалқни курашга бошлаган маънавий раҳнамолар-зиёлилар, иккинчи томондан эса зўравонликка қарши қуролли лашкарлар тузган қўрбошилар турар эди. Коммунистик мағкура ва сиёsat уларни “босмачилар” ва бундай ҳаракатларни “босмачилик ҳаракатлари” деб бузуб талқин этди. 30-йилларнинг ўрталаригача давом этган бу курашда юз минглаб ватандошларимиз озодлик курбони бўлдилар.

Бу ерда бир муҳим фикрни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Курашлар оловида неча бор куйиб ёнган бу табаррук замин, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон ўзининг оғир, мусибатли ўтган тарихи билангина эмас, балки жаҳон маданиятига ўз муносаби

хиссасини кўшган фозилу-фузалоларни етишириб берганлиги билан ҳам дунёга машҳурдир. Булар Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Ал-Бухорий, Мотурудий, Марғиноний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқалардир.

**“Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлmasa, улар даҳосининг нафаси сезилиб турmasa, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади”.**

Каримов И.А. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз”. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 7-жилд, 184-б.

### **Ватан мустақиллигининг қўлга киритилиши**

XXI аср бўсағасида Ватанимиз тарихида буюк воқеа содир бўлди. Президент Ислом Каримов 1991 йил 31 август куни Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди.

**1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни, деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди ва Миллий байрами сифатида нишонланадиган бўлди.**

Ўзбек халқининг муқаддас тарихий орзуси ушалди. У сиёсий мутелик ва асоратдан қутиди. Дунё харитасида яна бир мустақил, озод суворен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг узоқ йиллар давомида олиб борган оғир ва машаққатли курашининг қонуний натижаси бўлди. Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини кувонч билан кутиб олди ва маъқуллади. Бунга 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?” мавзуида ўтказилган референдум натижалари яққол мисол бўла олади. Умумхалқ референдумида сайлов рўйхатига киритилганларнинг **94,1** фойзи ёки 9 млн. 898 минг 707 киши қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини ёқлаб 9 млн. 718 минг 555 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фойзи овоз берди.

“Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умум эътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик”.

Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 105-б.

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли куйидаги имкониятларга эга бўлди:

- ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий тизимини мустақил яратиш, демократик йўл билан сайдланган органлар орқали ҳокимиятни бутун тўлалиги билан бошқариш;
- ишлаб чиқариш ва илмий техник имкониятларга, табиий ва хом ашё ресурсларига тўла эгалик қилиш ва улардан мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш;
- тараққиёт йўлини жаҳон тажрибалари, тарихий анъаналар ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил танлаш;
- миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ҳолда ҳукуқий демократик давлат тузиш;
- очик фуқаролик жамияти қуриш;
- тарихимизни холисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски ҳукмрон мафкура ва мустабид тузум асоратидан халос этиш;
- ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, уларга замон талаблари даражасида билим ва касб-хунар бериш;
- ижоднинг барча турларини ривожлантириши, одамларнинг истеъод ва қобилиятларини тўла намоён этиш;
- юртимиз хавфсизлиги, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш;
- халқаро муносабатларда мустақил субъект сифатида иштирок этиш, барча нуфузли ташкилотларга тенг ҳукуқлилик

асосида аъзо бўлиб кириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар тузиш.

Шундай килиб, мустакиллик халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқукини берди.

Келгуси қадам мустақиллик берган имкониятларни воқеликка айлантиришни, бунинг учун эса мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотларни босқичма-босқич, изчиллик билан ўтказа бориб, озод ва обод ватанни барпо этишни тақозо этар эди. Бу улуғ мақсадга етишиш учун, энг аввало, мустақилликни саклаб қолиш зарурдир.

Мустақиллик жуда катта масъулиятдир. Мустақилликни асраш уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифадир. Маълумки жаҳон тарихида халқлар ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан кейин уни ички ва ташқи душманлардан саклаб қолиш, халқни бу масъулиятли ишга сафарбар этишга жиддий ёндаша олмаганлиги сабабли яна қарам бўлиб қолганлигини кўрсатувчи мисоллар кам эмас. Бу эса биздан доимо огоҳ бўлишни талаб этади.

### Огоҳ бўлайлик!

“Огоҳ бўлинг, одамлар!” - деган даъват хамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан саклаш ҳар биримизга боғлиқдир”.

Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 10-б.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини кўролмайдиган ҳам ташқи, ҳам ички ғанимлар мавжудлиги ҳаммамизга маълум. Энг хавфлиси ички ёвуз кучларнинг жамиятимиз ҳаётига solaётган таҳдидидир. Бундай уринишлар 1991 йил декабрда Наманганда, 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир бўлди. Сиёсий, диний экстремистлар томонидан Тошкентда уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида **16** нафар бегуноҳ инсон шаҳид кетди, **120**

нафар киши тан жароҳати олди. Ўзбекистон марказида диний экстремистлар махсус машиналарга, худди Афғонистону Чеченистонда террорчилар ишлатаётган қўлбola бомбаларни жойлаб, энг муҳим маҳкамалар қошида портлатдилар. Бу даҳшатли фалокат аlamзада душманинг иложи бўлса мустақил давлатга сидқидидан хизмат қилаётган ўз падари бузрукворларини ҳам маҳв этишга тайёр эканликларини кўрсатди. Минг абад шукурлар бўлсинки, 16 феврал воқеалари ташкилотчиларининг ёвуз ниятлари амалга ошмади. Юртбошимиз ва давлатимизнинг бошқа раҳбарлари омон қолдилар. Террорчилар ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

Ватан тинчлиги, барқарорлиги – барчамизниң ҳаётий ишимиздир. 1999 йилнинг 16 февраляда Тошкентда юз берган кўпорувчилик харакати барчамизни сергак бўлишга, мустақилигимизни ҳимоя килишга тайёр туришга унди. 1999 йил 16 феврал кунида мазкур фожиали воқеалардан 2 соат кейин Вазирлар Маҳкамасининг йигилишида Президентимиз Ислом Каримов яна бир бор ҳалқимизга куйидаги сўзлар билан мурожаат этди:

**“Мен, эй одамзод, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим қуиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бироварлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман”.**

Каримов И.А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. Т., “Ўзбекистон”, 2000, 8-жилд, 7-б.

## Жамиятни демократиялаш йўлида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган чукур ислоҳотлар ўтказилди. Уларнинг кўламини ва моҳиятини англаш учун собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан бизга қандай сиёсий мерос қолганини эслаш зарур.

Ўзбекистон кейинги 130 йил давомида сиёсий қарамлик, мустамлакачилик зулмини бошдан кечирди, ҳалқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқидан маҳрум этилган, ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилай олмас эди. Миллий давлатимиз инкор этилиб, ҳалқнинг хоҳиш иродасига қарши ўлароқ, собиқ совет,

империясининг маъмурий ҳудудий кисмига айлантирилган эди. Халқ ўз юртбошисини танлаш, сайлашдан маҳрум эди, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар бошликлари, ҳатто вилоят раҳбарлари ҳам марказ томонидан тайинланарди. Бизга маъмурий буйрӯқбозлик бошқарув усулига қурилган, ўта мафқуралашган, халқни ювош, итоаткор оломон деб биладиган тоталитар тузум мерос бўлиб қолган эди.

Мустақиллик яратган имкониятлар шарофати билан мамлакатимизда инсон манфаатлари, тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилувчи эркин, очик ижтимоий-сиёсий тизим барпо этишини таъминловчи кент қамровли демократик ислоҳотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон миллий ҳукукий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида халқаро тан олинган демократик тамойилларга, ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ҳамда кўп минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихи ва ўзига хос миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларга таянди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

**“Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумхуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳукукий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир... Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиласиган, миллатни миллат қиласиган қонунларга асос бўлиши муқаррар... Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий гоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфиийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро - жамият - давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳукукий ечимини топишга интилдик”.**

Каримов И.А. “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”. Т., “Ўзбекистон”, 1992, 44-б.

Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг энг демократик тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди.

Давлат бошқарувининг янги, замонавий, самарали, энг мақбул тизими — Президентлик республика бошқаруви амал қилмоқда.

Парламентчиликда демократик асослар яратилди, демократик давлатларга хос парламентариzm шаклланди.

Республика парламенти – Олий Мажлис 11 йил давомида давлатимизнинг асосий қомуси бўлган Конституцияга мувофиқ 500 га яқин қонун, 10 та кодекс, 2 та миллий дастур ва мингдан ортиқ қарорлар қабул қилиди. Ўтган 11 йил давомида Олий Мажлис бир палатали парламент сифатида фаолият юритиб катта тажриба тўплади. Парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил — юқори малакали сиёsatшунослар, юристлар, иктисадчилар корпуси шаклланди. Олий Мажлиснинг 2001 йил декабрда бўлган еттинчи сессиясида икки палатали парламент тузиш зарур деган холосага келинди. 2002 йил 27 январда икки палатали парламент тузиш масаласида референдум ўtkазилди. Референдумда иштирок этган фуқароларнинг 93,65 фоизи икки палатали парламент тузишни ёклаб овоз бердилар. 2002 йил апрелда бўлган Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” Конституциявий қонун қабул қилиб, икки палатали парламент тузишга тайёргарликни бошлаб юборди. Ўзбекистонда икки палатали парламентга сайловлар 2004 йил декабрда бўлади.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими тубдан ислоҳ қилинди. **Миллий давлатчилик анъаналарини ўзида** мужассамлаштирган кучли ижроия ҳокимияти – Вазирлар Маҳкамаси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонун асосида суд ислоҳотлари ўtkазилди. Суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди, Тошкент шаҳар, вилоят, туман ва шаҳар судлари, хўжалик судларидан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ вилоят, туман, шаҳарларда ҳокимлик ташкил этилди. Ҳокимият қошида ижроия аппарати тузилди.

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга биноан шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари – маҳалла қўмиталари ташкил этилди.

Бугунги кунда 7847 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари миллий анъаналарга мувофиқ мамлакат ижтимоий хаётида жуда катта ўрин эгалламокда.

Ўзбекистонда демократик жамията хос сайлов тизими барпо этилди.

Республикада 4 та сиёсий партия (“Халқ демократик партияси”, “Фидокорлар” миллий демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси), Халқ бирлиги харакати, “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар ташкилотлари, 300 та республика ва халқаро нохукумат ташкилотлари, жамғармалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмаларини ўзида мужассамлантирган ижтимоий-сиёсий тузум вужудга келди.

Инсон хукуклари бўйича Олий Мажлиснинг Ваколатли институти (Омбудсман) таъсис этилди. Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Харакатдаги конунчилик мониторинги институти халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмокда.

Демократик институтларнинг муҳим тармоғи бўлган эркин оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вужудга келди. Республикада 390 номда газета, 110 номда журнал чоп этилмоқда, 4 та ахборот агентлиги, 50 дан ортиқ телерадиокомпания ва студиялар ишлаб турибди. ОАВ нинг катта қисми – мустақил.

Шундай килиб, мустақилликнинг 11 иили давомида мамлакатимизда демократик фуқаролик жамият асослари яратилди.

**“Ислоҳотлар жараённида республикада янги, демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштироқини таъминлайди”.**

Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 109-110-б.

## Тараққиётнинг ўзбек модели

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўлгадаги бекиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ўзбекистон бойиклари бекиёсdir, унинг майдонлари ва боғларида ҳосил мўл, у ер ости хазинасига бой мамлакатdir.

Мехнаткаш халқимиз диёримизнинг серҳосил ерларидан ҳар иили:

- 3,5 миллион тоннадан ортиқ дон;
- 4,5 миллион тоннадан зиёд мева, сабзавот ва картошка;
- 500 минг тоннага яқин узум етиштиради. Бугунги кунда қишлоқларда 43,8 минг фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда 100 га яқин турдаги минерал хом ашёни ўзида мужассам этган фойдали қазилмаларнинг 2,7 минг конлари аникланган. Мамлакатнинг умумий минерал хом ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Республика конларидан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда. Олтин захиралари бўйича Республика жаҳонда тўртинчи ўринни, мис бўйича 10-11 ўринни эгаллаб турибди.

Мустақиллик йилларида нефт ишлаб чиқариш 2,7 марта, газ 1,3 марта ўсади. Энергия манба билан мамлакат ўзини ўзи таъминлашга эришилди.

**“Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, авлод-аждодларнинг меҳнати билан яратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий куч-кудрат ва имкониятлар миллий бойлик, одамлар фаровонлигининг кафолати, ижтимоий тараққиёт ва равнақининг асоси бўлиб хизмат қиласи”.**

Каримов И.А. “Миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура”. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 1-жилд, 37-б.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки давридан уни сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқди. Назарий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур яшаб турган фукароларнинг тақдиринигина эмас, балки келажак авлодларнинг тақдирини ҳам ўйлаб тузилган бўлиб, ўша даврда ҳукмрон бўлган якка ҳокимлик тизимининг иллатларини тезрок бартараф этиш, мамлакатимизни ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олишини таъминлашни кўзда тутган эди. Бу ҳакиқатан ҳам Президент номи билан жаҳонга танилган тараққиётнинг ўзбек модели эди.

Тараққиётнинг ўзбек модели қўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Иқтисодиётни мафкурадан тұла холи қилиш, иқтисоднинг сиёсатдан устунылиги.

2. Бозор муносабатларига ўтиш давлатнинг бошқаруви асосида амалга оширилади. Давлат бош ислоҳотчидир. Бозор муносабатларига ўтиш чуқурлаша борган сари давлатнинг бу соҳадаги тасири камая боради.

3. Ислоҳотларнинг бутун жараёнлари мустаҳкам ҳуқуқий асосларга қурилади. Конунлар барча ҳўжалик субъектлари томонидан оғишмай бажарилиши зарур.

4. Бозор муносабатларига ўтиш аҳолининг мухтоҷ ва кам таъминланган қисмини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни қабул қилиш ва кишиларни ислоҳотларга руҳан тайёрлашдан иборат кучлн ижтимоий сиёсат билан кўшиб олиб борилади.

5. Бозор ислоҳотлари босқичма-босқич ва изчил равища, яъни инқилобий сакраншлариз амалга оширилади.

Ислоҳотларнинг ўзбек модели бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделиларнинг бирорласини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмунни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт модели бўлиб, у қуйидагиларга асосланади:

- бозор иқтисодиёти ва демократия тамойилларига асосланадиган жамиятни барпо этишга;

- СССР парчалангандан кейинги Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатига;

халқнинг менталитети ва тарихий анъаналарига, ислоҳотларни амалга оширишнинг у ёки бу суръатларига аҳолининг тайёрлик даражасига;

- “фалаж қилиб даволаш”дан воз кечишга.

Ислоҳотлар ва иқтисодий тараққиётнинг бош мезони Президент таъкидлаганидек, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки ислоҳот – инсон учун, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш дарражасини кўтаришга қаратилганилигидadir.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши деб белгиланди. Бу борада 20 дан ортиқ маҳсус дастурлар ицлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга давлат бошчилик килди. 1991 – 1998 йилларда давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартиralарнинг 98 фоизи фуқароларнинг хусусий мулкига айлантирилди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси уруш фахрийлари, ўқитувчилар ва ижодкор зиғаларга

бепул берилди. Давлатга қарашли кичик корхоналар, майший хизмат муассасалари, дўконлар хусусийлаштирилди.

1994 йилдан бошлаб ўрта ва йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига, ижара корхоналарига айлантирила бошланди, бу жараёнга аҳоли ва чет эллик инвесторлар кенг жалб қилинди. Давлат мулкини сотиш бўйича кимошди савдолари ва танловлар ташкил этилди.

Мустақилик йилларида ўрта ва кичик бизнес ривожлантирилди. 2002 йил ўрталарида фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари 200 мингдан ошди. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 33 фоизга етди.

Аграр ислоҳотлар жараёнида совхоз ва колхозлар ширкат хўжаликларига айлантирилди.

Ширкатлар сони 2002 йилнинг ўрталарига келиб **1900** тадан ошди ва уларда 1,4 млн. киши ширкат аъзоси сифатида меҳнат килмоқда. Кишлокда деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бугунги кунда 55,4 минг фермер хўжалиги 1,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар натижасида Республикаизда кўп укладли иқтисодиёт, мулқдорлар табақаси шаклланди. 2002 йилда корхона ва хўжаликларнинг 88 фоизини хусусий мулк, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналар, кооперативлар, ширкат хўжаликлари ташкил этди.

Мустақиликнинг 11 йиллиги давомида иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилганлигини кўрсатувчи куйидаги рақамларга мурожаат қиласайлик:

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**) нинг ўсиши таъминланди.

**ЯИМ** олдинги йилга нисбатан 1996 йилда **101,7**, 1997 йилда **105,2**, 1998 йилда **104,4**, 1999 йилда **104,4**, 2000 йилда **104**, 2001 йилда **104,5** фоизга ўси. Ўзбекистон 2001 йилда МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб **ЯИМ** ишлаб чиқариш бўйича нафакат 1991 йилги даражага чиқиб олди, балки **103** фоиз ўсишга ҳам эришди.

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон саноати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Олдинги йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1997 йилда **106,5**, 1998 йилда **105,8**, 1999 йилда **106,1**, 2000 йилда **106,4** фоизга кўпайди. Умуман саноат маҳсулотлари мустақилик йиллари давомида **36** фоизга ўси.

Республикада истеъмол буюллари ишлаб чиқариш сезиларли даражада ошиди. Натижада Республика импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши мустақилликнинг дастлабки йилларидаги 73,8 фоиздан **15** фоизга камайди.

1994 – 2001 йилларда иқтисодга жалб этилган инвестициялар 28,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

1991 – 2002 йилларда **1872** та корхона ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалари курилди, маҳсулотларнинг 9,5 мингдан ортиқ янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Нефт ишлаб чиқариш (газ конденсати билан) 2,7 баробар кўпайди.

Дон маҳсулотлари етиштириш 2,5 баробардан кўпроқ, шу жумладан, буғдои деярли 7 баробар кўпайди. 2002 йилда 4,7 млн. тонна дон тайёрланди.

Мамлакатнинг дон ва ёқилғи мустақиллигига эришилди (1-, 2-расмларга қаранг).

Саноатнинг автомобилсозлик, микробиология, целиюлоза-коғоз, қанд, фармацевтика ва бошқа янги тармоклари юзага келди.

Жаҳоннинг етакчи фирмаларининг ҳаво кемалари билан таъминланган “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси дунёнинг 25 мамлакати билан ҳаво алоқаларини ўрнатган, у мустақиллик йилларида 20 миллиондан кўп йўловчига хизмат қилди.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий микдоридан 76 фоизи, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг 70 фоизи ва саноат бўйича 65,4 фоизи, қишлоқ маҳсулоти етиштирувчиларнинг 99 фоизи нодавлат сектор улушкига тўғри келади. 2001 йилда 63 минг корхона хусусий тармоқ субъекти сифатида фаолият кўрсатди. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, хусусий тармоқни жадал ривожлантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Ўзбекистонда хусусий секторнинг улуши ЯИМда 35 фоизни, аҳолини иш билан таъминлашда атиги 30 фоизни ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 50-60, 65-70 фоизни ташкил этади.

2002 йил ўрталарига келиб чет эл сармоялари иштирокида барпо этилган 2000 дан ортиқ кўшма корхоналар фаолият юритди. Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги 109 та устувор инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда.

Янги банк, молия, солик тизимлари, хом ашё биржалари

жамғармалари тизими, сұғурта, аудитор, лизинг компаниялари ва бошқа тузилмалар вужудға келтирилди.

Республикада Марказий Осиёдаги әнг үйірік биржа маркази фаолият күрсатмоқда. У замонавий компьютер техникасы ва телеалоқа тизими билан жиһозланған.

**“Мустақіллікнің дастлабки йилларидаги іктисодий истроҳотларнинг асосий натижаларини баҳолаган ҳолда шуни тұла асос билан айтыш мүмкінки, биз белгіланған янгиланиш ва тараққиёт дастуридаги күпгина ишларни амалға оширишга мұваффақ бўлдик.**

**Иқтисодиётимиз вужудға келтирилған мустаҳкам хуқуқий нормалар негизида институционал ўзгаришларга таяниб, бозор иқтисодиётіга босқичма-босқич кириб, барқарор ва сибітқадам бўлиб бормоқда”.**

И.А.Каримов

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилди:

- ҳозирги кунда мамлакатнинг **2** млн. **640** минг фуқароси нафақа ва моддий ёрдам олади. Бундай тұловлар микдори 2000 йилда **187,8** млрд. сүмни ташкил этди;
- факат 2000 йилнинг ўзида аҳолининг кам таъминланған қисміга фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарищ органлари – маҳалла йиғинлари орқали **54,2** млрд. сүм микдорида нафақа, күмак ва бошқа турдаги ёрдамлар берилди;

- олий ўкув юртларининг **142** минг талабаси ҳар йили **6** млрд. **600** млн. сүм стипендия олади. Кейинги 3 йилнинг ўзидагина стипендиялар микдори **3,8** баравар ортди;

- мустақіллік йилларыда мамлакатда **70** млн. кв.м. туар жойлар, **19,5** минг ўринли касалхоналар, **95,7** минг марта ташрифли поликлиникалар, мактаблар – **805,9** минг, академик лицейлар – **15,3** минг ва касб-хунар колледжлари – **126,5** минг ўкувчи ўрин билан фойдаланишга топширилди;

- аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва газлаштириш бүйіча кенг қамровли дастурлар амалға оширилмоқда. 1991 – 2000 йилларда **22,6** минг километр сув қувурлари ва **54,1** минг километр газ тармоқлари ётқизилди. Аҳолининг уй-жойларини газлаштириш даражаси **46,2** фоизгача, ичимлик суви билан марказлашган ҳолда таъминлаш эса **64,2** фоиздан **77,6** фоизгача құтарилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилмоқда:

- республикада аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими бунёд этилди. Мустақиллик йилларида амбулатория-поликлиника муассасаларининг сони 3 мингдан **4,8** мингтacha ёки **1,6** баравар ортди;


- аҳолига **81,5** мингдан ортиқ шифокорлар турли ихтиососликлар бўйича малакали тиббий ёрдам кўрсатади;

- 1994 йилда аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжи Республикада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобига бор-йўғи **4,5** фоизга қондирилар эди. Ҳозирги вақтда катта микдорда сармоя жалб этилганлиги ҳисобидан, бу кўрсаткич **25** фоизгача ўсди;

- етим болалар ва фарзандсиз оилалар тўғрисида ғамхўрлик “Киндердорф” – “Болалар маҳаллалари” Австрия лойихасининг Ўзбекистон худудида амалга оширилишида ҳам намоён бўлмоқда. Бу ерда ота-онасиз – етим болалар ва фарзандсиз оилаларнинг кўпчилиги уй-жойли ва бус-бутун оила бўлиб яшаш бахтига мусассар бўлмоқда.


Ишончли ижтимоий кафолатларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларининг ҳамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизни янтилашдан иборат ғоя кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олади.

**Фалла ишлаб чиқаришнинг ўсиши,  
минг тонна ҳисобида**




**1-расм.**

Нефт за ғасырдын ишлаб чыкаришининг үсүшү,  
мийн тонна жисебида



2-расм.


**Чет эл сармоялари киритилиши ва чет эл сармоялари иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сонининг ўсиши**



- Чет эл сармояларни киритиши (млн. АҚШ доллари)
- Чет эл сармояларни иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони


**З-расм.**

**Экспорттынг умумий хажми**  
 (млрд. АҚШ доллары ҳисобида)



4-расм.

**Узок корижий мамлакатларга экспорт**  
 (млрд. АҚШ доллары ҳисобида)



5-расм.

## Маънавий-маданий юксалиш йўлида

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир. Бирон-бир мамлакат ўз маънавий имкониятларини, одамлар онгига маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай ва мустаҳкамламай туриб юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Маънавият инсонни руҳий покланиш ва юксалишга давват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг имон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган кудратли ботиний кучдир. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамият маънавиятини юксалтириш ватанимиз тараққиётининг устувор йўналиши деб белгиланди.

**“Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар – қуллик ва мутелик исқанжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, отабоболаримизнинг удумларини тиклаб уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда”.**

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т., 1996, 1-жилд, 202-6.

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишининг, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бирон-бир ҳалқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмай ва уни янада ривожлантирмай туриб ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Шу боисдан юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мустабид тузум даврида соҳталашибилган ҳалқимиз тарихини холисона, ҳакқоний ёритиш, уни чукур ўрганиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди, бунга таалуқли бир қатор адабиётлар нашр этилди.

Мустақиллик йилларида бой меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк хисса қўшган бобокалонларимизнинг маънавий мероси ҳалқимизга қайтарилди, тавалтуд топган кунлари бутун мамлакат ва ҳалқаро миқёсда нишонланди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда куйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва шоирларимизнинг юбилейлари нишонланди:

- 1991 й. — Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;  
 1994 й. — Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;  
 1996 й. — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;  
 1997 й. — Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги;  
 1998 й. — Ахмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;  
 1998 й. — Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги;  
 1999 й. — Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800  
 йиллиги;  
 1999 й. — “Алпомиши” эпосининг 1000 йиллиги;  
 2000 й. — Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910  
 йиллиги;  
 2000 й. — Имом Мотурийдий таваллудининг 1130 йиллиги;  
 2000 й. — Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;  
 2001 й. — “Авесто” яратилганининг 2700 йиллиги;  
 2002 й. — Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги.

Мустақиллик йилларида бу буюк шахсларнинг хотираасига бағишлаб барпо этилган ёдгорликлар мажмуаси жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий онг ва миллий гуурурни кўтаришга ҳамда ҳалқимиз, айниқса ёшлар онгидага мустақиллик мафқурасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Кўплаб Шарқ алломаларининг ўнлаб нодир ва ноёб асарлари узбек, инглиз, француз, немис, япон ва бошқа хорижий тилларда нашр этилди, булар: Имом ал-Бухорий, Ахмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Мотурий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Шарафитдин Али Яздий, ан-Насавий ва бошқаларни киритиш мумкин.

ЮНЕСКО ҳомийлигига Шарқ маданияти, санъати ва тарихига бағишлиланган лазер дисклари чиқарилди.

Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва бошқа ҳалқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, хурмати ўз жойига кўйилди. Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, фашизмга карши ватан озодлиги учун жон фидо этган ҳалқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Хотира майдони” барпо этилди.

Мустакиллик шарофати билан диний қадриятлар, диний эътиқод қайта тикланди. Республикада **15** диний конфессия рўйхатга олинган ва расман фаолият кўрсатмоқда, **170** дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди ва уларда Ўзбекистонда яшовчи **130** миллат ва элат вакиллари ўзларининг диний эҳтиёжларини қондирмоқдалар. **1,7** мингдан ортиқ масжидлар, христиан ибодатхоналари, синагоглар ва бошқа диний марказлар таъмирланди ва янги курилди, **10** та диний таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда, Тошкент Ислом университети очилди. Рамазон ҳайити, Курбон ҳайити, қадимий халқ байрами – Наврӯз қайта тикланди.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистон халқи биринчи марта бевосита ҳукумат ҳомийлигида ҳаж ва умра амалларини адо этиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон ҳудудида халқнинг улуғвор ва шонли тарихига оид **2000** дан ортиқ ёдгорликлар таъмирланди.

Хозирги вақтда Республикада **88** та музей, **40** та театр, **1370** та кинотеатр, **6000** дан ортиқ кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон консерваториясининг ҳашаматли янги биноси бунёд этилди, Ўзбекистон миллий драма театрининг биноси бутунлай қайта таъмирланди ва янгиланди.

Узоқ асрлар қаъридан чиқиб келаётган инсонпарвар урф одатлар ва анъаналар, маданий қадриятлар эҳтиётлаб асралмоқда ва бойитилмоқда. Мақомчилар, тўй-маросим қўшиқлари, шоир-бахшилар ва фольклор-этнографик дасталарнинг ўнлаб кўриктанловлари ўtkазилди. Шу билан бир қаторда пианиночи ва скрипкачиларнинг симфоник ва камер мусиқалари, замонавий эстрада гурухларининг фестивал ва танловлари бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди, унинг равнаки, кўлланилиши ва муҳофазаси давлат томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, қадр-қиммати ҳам ўз ўрнига қўйилган.

Мустакиллик йилларида Республикада оммавий жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Масалан:

- Ўзбекистоннинг спорт мажмуаси **46** мингдан ортиқ турли иншоотлардан, шу жумладан ўйингоҳлар, спорт заллари, майдонлар ва ҳоказолардан иборат;

- бадан тарбия ва спорт билан **7** млн.га яқин одам шугулланади;

- мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари Олимпиадалар, Осиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақаларда **3000** дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритдилар.

**Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг курдатли қатламлари очилди.** Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бугунги дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллиатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-рухий негизни вужудга келтиради.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 142-43-б.

**Баркамол авлод — келажагимиз.** Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таълимни тубдан ислоҳ қилиш йўллари ишлаб чиқилди. 1997 йил 27 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Миллий дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатdir.

Мустақиллик йилларида 300 дан ортиқ янги типдаги таълим муассасалари очилди. Фақат 1998 – 2002 йиллар мобайнида 216 минг ўқувчига мўлжалланган замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган 299 та касб-хунар коллежи, 44 та академик лицей барпо этилди, янги таълим стандартлари яратилди ва ўқув жараёнинг жорий этилди.

Ўрта маҳсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг микдори 150 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтидорли талabalарни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Умид”, педагогик кадрларни хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш бўйича “Устоз” жамғармалари ташкил этилди. Хозирги вақтда 3 минг талаба ва аспирантлар чет

мамлакатларида таълим олмокдалар, 2,2 минт педагоглар малакаларини оширилдилар.

Республикада 62 та олий ўкув юрти, жумладан 16 та университет, 9575 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларида ўкишлар 7 тилда олиб борилади.

**“Билимдон, ирофессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватанпарварлағни тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойнта оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин”.**

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 361-б.

### **Ватан хавфсизлигининг таъминланиши**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳудудий бутунликни сақлаш давлатимизнинг дикқат эътиборидадир. Шу давр мобайнida миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди, 1996 йил 24 апрелда “Миллий хавфсизлик тўғрисида” Конун қабул қилинди.

Миллий хавфсизлик, аввало, мамлакатнинг мудофаа кобилиятига боғлик Шу боисдан мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. 1991 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тузилди. Ўзбекистон Парламентининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган “Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва қўшинларни ўз тасарруфига олиш тўғрисида”ги карори асосида Ўзбекистоннинг ўз қуролли кучлари ташкил этилди. 14 январ Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари куруқлиқдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари, маҳсус ва муҳандислик-курилиш қўшинлари ҳамда Миллий гвардиядан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади.

Ўзбекистонда юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчик танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент Ахборот технологиялари университетида ташкил этилган махсус факультет Куролли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали командирлар тайёрлаб етиштироқда.

Тошкентда олий қўмондонлар тайёрловчи Ҳарбий Академия фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий Академия замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, шарқий саркардаларнинг, аввало сохибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъатини, жаҳон ҳарбий илми ва жанговар тайёргарлигининг илфор тажрибаларини ўзлаштирган олий қўмондонларни тайёрлаб чиқармоқда. Ўзбекистонда микдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин замонавий куроллар билан куролланган профессионал армия тузиш учун ҳарбий ислоҳотлар ўтказишишмоқда.

**“Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад, микдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий куроллар ва ҳарбий техника билан бекаму қўст куролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Куролли Кучларни шакллантиришдир”.**

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 163-б.

Мустақиллик йилларида Куролли кучларимизни замонавий ҳарбий техника, курол-аслаҳалар билан таъминлаш даражаси тобора ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон 1995 йил июл ойида НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилди. Бу дастур томонидан АҚШда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда уюштирилган Ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмларининг иштироки зобит ва аскарларнинг ҳарбий техник тайёргарлигини янада кўтаришга хизмат қилмоқда.

– Шимолий Каролина (АҚШ)даги Кемп Лежон деңгиз пиёдалари полигонида ўзбекистонлик аскарлар НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурида **16** иштирокчи-мамлакат армиялари вакиллари ҳамкорлигидаги машқларда қатнашдилар.

– Ўзбекистонлик десантчилар Ўзбекистон худудида америкаликлар билан ҳамкорликда ўтказилган “Ултрабаланс-96” тажриба машқларида юксак маҳоратларини намойиш этдилар.

– Тошкент, Чирчик, Самарқанд ҳарбий билим юртлари курсантларининг терма взводи 1997 йил май-июн ойларида Норвегияда ўтказилган “Кооператив банкерс-97” машқларида қатнашди.

– Луизиана штатидаги Форт Полк ҳарбий базасида 1997 йил июн-июл ойларида ўзбекистонлик аскарлар иштирокида “Кооператив банкерс-97” ҳамкорлик машқлари бўлиб ўтди.

МДХнинг кўплаб мамлакатларида қонунсизлик авж олиб турган ҳозирги кунда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг энг кам даражада содир бўлиши ва тобора камайиб бориши кузатилмоқда. Гап бу ерда, баъзиларнинг айтишича, жазонинг қаттиклигида эмас, балки жиноят қонунчилигининг изчил тизимида ва хукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг аниқ ва пухта фаолиятидадир.

Прокуратура, милиция ва автоинспекциянинг минглаб ходимлари кечаю-кундуз фуқароларнинг мол-мулки, ҳаёти, соғлиги, иззат-обрўси ва қадр-қимматини ҳимоя килмоқдалар.

Ҳозирги пайтда ҳалқаро террористик марказларнинг ҳомийлиги ва молиявий кўллаб-куvvatлаши оқибатида хорижий мамлакатларда ташкил топган айрим экстремистлар гурухлари Ўзбекистонга таҳдид килмоқдалар. Уларнинг бир гурух жангарилари 1999 йилда Янгибодда, 2000 йилда Сариосиё ва Узун туманларига бостириб кириб, мамлакатимиз тинчлигини бузишга уриндилар. Ўзбекистон Қуроли Кучлари уларни бутунлай тор-мор этиб, мамлакат тинчлиги, эл осойишталигини ҳимоя қилишга қодир эканлигини кўрсатдилар.

Ҳеч кандай ёвуз экстремистлар Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтаролмайди. Бунинг гарови ҳалқимизнинг огоҳлиги, мамлакатимизнинг мудофаа салоҳияти ва мустаҳкам Қуроли Кучларидир.

Ҳалқаро терроризмга, диний ва сиёсий экстремизмга қарши курашни ташкил этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказилаётган нуфузли йиғилишларда Ўзбекистон фаол қатнашмоқда, ўзининг самарали таклифларини илгари сурмоқда.

“Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда”.

Каримов И.А. “Халқ сўзи”, 2001 йил, 20 июн.

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йил ноябр ойида Истамбулда бўлган саммитида террорчиликка қарши давлатлараро миқёсдаги курашни мувофиқлаштирувчи халқаро марказ тузиш ҳақида таклифни илгари сурди. Бироқ саммит иштирокчилари терроризмга қарши халқаро марказ тузиш масаласига жиддий эътибор беролмадилар.

- Халқаро терроризмга таҳдид тобора кучайиб борди. Ўзбекистон ташаббуси билан терроризмга қарши бир қатор давлатлар уюша бошлади.

- 2000 йил 20-21 апрел кунлари Тошкентда Марказий Осиё иктисодий ҳамжамияти давлатлараро кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий хавфсизлик ва мамлакатлараро муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилдилар. Тўрт давлат бошликлари “Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисида шартнома” имзоладилар. Бундай шартноманинг имзоланиши Марказий Осиёдаги бугунги вазиятдан келиб чиқсан муҳим ва оқилона қадам бўлди.

- 2000 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган МДҲ давлат бошликларининг саммитида террорчиликка қарши кураш марказини тузишга қарор килинди.

- 2001 йил июн ойи бошларида Минск шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ давлат бошликларининг саммитида жиноятчилик, террорчилик ва экстремизмнинг турли кўринишларига қарши биргаликда чора кўриш масаласи муҳокама қилинди.

- 2001 йил 14-15 июн кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди.

- 2001 йил 11 сентябр куни халқаро террористик кучларнинг АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган муддиш хужумларидан кейин дунёдаги етакчи давлатлар АҚШ бошчилигига бу ёвуз душманга қарши кенг микдорда курашга киришдилар. Ўзбекистон АҚШ да содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралади ва АҚШ бошчилигига ташкил этилган аксилтеррор қаолицияни қўллаб-куватлади. Ўзбекистон Афғонистон ҳудудини “Толибон” кучларидан озод этиш, терроризм балосини таг-томири билан қўпориб ташлаш мақсадида ўз авиабазаларининг бирини АҚШ куролли кучларининг чекланган контингентига берди. Афғонистондаги аксилтеррор операциянинг биринчи босқичида “Толибон” ва “Ал-Қоида” кучларига зарба берилди.

## Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида ташки сиёсий ва ташки иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташки сиёсатга тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташки сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги барча нуфузли давлатлар тан олди, уларнинг **120** таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташки сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисида”, “Чет эл инвесторлари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида”ти Конунлари унинг халқаро майдонда фаол ва кенг қўламли ҳамкорлик қилиши учун хуқукий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

1992 йилнинг 2 март куни Ўзбекистон Республикаси ўзининг хоҳиш-иродаси ва таклифиға кўра энг нуфузли халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди

ва шу куни БМТнинг Нью-Йоркдаги биноси олдида мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроби кўтарилиди. 1993 йилда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла, тенг ҳукукли аъзоси сифатида БМТ фаолиятида иштирок этмоқда.

1992 йилнинг феврал ойида Республикамиз Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)га кирди. Кейин **105** та мамлакатни ўзида бирлаштирган Қўшилмаслик ҳаракати аъзосига айланди. 1992 йилнинг октябр ойида эса дунёning энг кекса ташкилотларидан бўлган Парламентлараро иттифоқнинг 19-аъзоси сифатида тан олинди. Ўзбекистон 1999 йилда ГУУАМ ҳалқаро ташкилотига, 2001 йил июнда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон қўпгина минтақавий ташкилотлар, Европа иттифоқи, ЭКО билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ватанимиз, шунингдек, Ҳалқаро валюта фонди, Бутунжаҳон банки, Ҳалқаро молия корпорацияси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ), Осиё ва Тинч океани мамлакатлари учун БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Қайта қуриш (тиклаш) ва ривожлантириш Ҳалқаро банки, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, Қайта қуриш (тиклаш) ва ривожлантириш Европа банкига аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият билан шугулланувчи ҳалқаро ташкилот – ЮНЕСКО билан алоқалари кенгайиб бормоқда. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг қароргоҳи Парижда Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилинди. 1994 йил октябрда Парижда ватандошимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг **600** йиллигига бағишланган Улуғбек ҳафталиги тантанаси бўлиб ўтди. 1996 йилда Парижда Амир Темурга бағишланган маданият ҳафталиги, “Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши” мавзусида ҳалқаро конференция ва кўргазмалар бўлиб ўтди. 1997 йилда жаҳон маданиятининг дурданалари ҳисобланган қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, ҳалқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди.

Ўзбекистон СССР парчалангандан кейин ташкил топган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик қилишда фаол қатнашмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақиллик йилларида Украинага уч бор сафар қилди,

Ўзбекистон билан Украина ўртасида сиёсий, иқтисодий техникавий, маданий алоқалар йўлга қўйилди. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 300 млн. АҚШ долларидан ортида ўзбекистон Украинага пахта, рангли металл, газ, тамаки, газлама ва бошқа турдаги матолар етказиб беради. Украинадан ўзбекистонга техника асбоб-ускуналари келтирилади. Бугунги кунда ўзбекистонда 20 дан ортиқ ўзбек-Украина қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ташки сиёсатида Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон муҳим ўрин тутади. Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти, унинг Марказий Осиё ҳамкорлик ва таракқиёт банки ташкил этилди. Ҳамжамият давлатлари ўртасида иқтисодий интефация дастури ва биргаликда сармоя сарфланадиган 53 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбекистон билан жаҳондаги нуфузли давлатлар — АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа юздан ортиқ мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди ва тобора кенгайиб, чукурлашиб бормоқда. Бугунги кунда ўзбекистонда жаҳондаги 80 га яқин мамлакатнинг сармоялари иштирокида барпо этилган 2000 та замонавий қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Хорижий сармоялар иштирокида ишлаётган қўшма корхоналар жумласига “УзДЭУ авто”, “СамКучавто”, “Зарафшон-Ньюомонт”, Кўкдумалок компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи ва бошқалар киради.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилида халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, халқаро нуфузини кўтариш бобида асрларга teng ишлар амалга оширилди.

– Ўзбекистонни 165 давлат тан олди.

– Жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

– Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихоналари очилди.

– Республикада 88 та хорижий мамлакат ваколатхоналари аккредитация қилинган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

– Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда ўзбекистоннинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди.

– Ўзбекистон 30 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг teng ҳукукли аъзоси.

- Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иктисодий муносабаглар ўрнатилган.

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 12 млрд. АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилинди.

- Хорижий сармоя иштирокида 2000 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

- Ташқи савдо обороти миқдори 2000 йилда 6 млрд. дан ортиқ АҚШ долларини ташкил этди, 2001 йилда бу кўрсаткич 3,1 фоизга ўсади.

- Жаҳоннинг 80 мамлакатига Ўзбекистон маҳсулотлари экспорт қилинади ва турли хизматлар кўрсатилади. Экспортнинг умумий ҳажми деярли 2 баравар, узоқ хорижий мамлакатларга эса 2,4 баравар ошди.

- Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси (колдиги) 2001 йилда 128 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**“Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг, у пухта ўйлаб амалга ошираётган изчил ташқи ва ички сиёсатининг нотинч Марказий Осиё минтақасида вазиятни барқарорлаштириш ҳамда кескинлик кенг таркалашининг олдини олишдаги аҳамиятини ва кучайиб бораётган ролини борган сари кўпроқ англамоқда”.**

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т., “Ўзбекистон”, 1997, 171-72-б.

## **XXI асрга ишонч билан — дадил қадам**

Мухтасар айтганда, 11 йил тарих учун қисқа муддат, лекин мустақил тараққиётнинг ҳар бир йилида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

### **Ўзбекистон халқи:**

- Демократик ҳукуқий давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини яратиб;

- Иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришни ва чукур бозор илоҳотларини амалга ошириб;

- Жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш курсини изчиллик билан оғаб бориб;

- Халқнинг маънавий меросини қайта тиклаб ва жаҳон маданиятигининг замонавий бойликларини ёшларга очиб бериб;
- Мамлакат хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзи танлаган йўлидан оғишмай боришини таъминлаб

**XXI асрга ва янги минг йилликка ишонч билан кадам қўйди, келажакка умид ва ишонч билан бормоқда ва истиқболдаги тараққиёт ва фаровонликка кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.**

**“Ўз давлатчилигимизни ва мамлакатимизнинг иқтисодий базасини яратиш, республика ва унинг халқи мағфаатларини ҳимоялаш учун аниқ мақсадни кўзлаб қаттиқ меҳнат қилинган қийин йиллар ортда қолди...**

**Мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олиш учун тарихий имкониятларга эга”.**

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т., “Ўзбекистон”, 1997, 194-95-б.

## Хулоса

Мустақил таракқиётнинг 11 йили давомида ҳалқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисолий, маънавий-маърифий ҳаётида эришилган ютуклар юртбошимиз Ислом Каримовнинг ижодий, оммас ва бунёдкорлик мөхнати билан чамбарчас боғлиқдир.

XX асрнинг сўнгти чораги инсоният бағридан оқил, одил, узокни кура оладиган, тинчлик ва таракқиётта интиладиган истеъдодли сиёсий арбобларни етказиб чиқарди. Улар орасида Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг номи муносаб ўрин олган. Бу – Президентимизнинг кўп қиррали фаолияти жаҳон афгор оммаси томонидан эътироф этилиши эди. Шу боис юртбошимизнинг кўксини жаҳондаги нуфузли давлатларнинг энг олий даражадаги хизматлари учун бериладиган чишонлари безамокда.

“Тарих ҳалқ ҳаётининг энг мураккаб дамларида шундай бир шахени танлайдики (буни сиёсий селекция деб аташ мумкин), мыннат тақдирни унинг иродаси, қатъиятлиги, масъулиятлигига боғлиқдир. Ислом Каримов ҳозирги Туркистон тарихида худди шундай буюк шахс ҳисобланади. Унинг саъй-харакатлари туфайлигини мустақил Ўзбекистон тез ва изчил мустаҳкам барқарорликка эришди, таракқиёт йўлидан жадал ривожланаётган давлатга айланди”.

Айтматов Ч.

Ислом Каримовнинг обру-эътибори давлатимизнинг шоншавкати билан уйғунлашиб кетган. Унинг сиймосига хос куйнадаги фазилатлар хар биримиз учун намунаидир:

- Ватанга мухаббат,
- Ўз ҳалқига садоқат,
- мамлақат ва ҳалқи тақдирни учун юксак масъулият хисси,
- келажакни олдиндан кўриш,
- ўсиб келаётган ёш авлодга оталарча ғамхўрлик қилиш,
- ҳалқининг урғ-одатлари, анъаналари ва тарихига, буюк

аждодларга ҳурмат ва юксак эътибор, адолат тамойилларига, шахс ва жамият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятлар мутаносиблигига садоқат.

“Менинг тақдирим халқымнинг тақдирин билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ҳеч қачон ўзимиз танлаган мустақиллик йўлидан қайтмаймиз. Биз буюк келажакни, озод ва фаровон ҳаётни куриш мақсадида матонат ва қатъийлик билан меҳнат қиласиз”.

И.А. Каримов

## Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Т., 1992

Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., “Шарқ”, 1993.

Каримов И.А. Ўзбекистонинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995.

Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., “Ўзбекистон”, 1996.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1993.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”, 1998

Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳалқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”, 1999.

Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан курмоқдамиз. Т., “Ўзбекистон”. 1999.

Каримов И.А. Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Каримов И.А. Хушёрликка даъват. Т., “Ўзбекистон”, газетаси, 1999.

Каримов И.А. Биз учун ҳалқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ. “Халқ сўзи”, 2001, 7 декабрь.

Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. “Халқ сўзи”, 2001, 5 апрель.

Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. “Халқ сўзи”, 2002. 15 февраль.

Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари

билин яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. “Халқ сўзи”, 2002, 19 июль.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод Узбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.

Левитин Л. Узбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., “Узбекистон”, 2001.

Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат. Т., 1998.

Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., “Узбекистон”, 2000.

Сайдов А. Мустақиллик қомуси. Т., “Узбекистон”, 1993.

Салимов О.У. Узбекистон 5 йил демократия ва бозор иқтисодиёти йўлидан. Т., 1996.

Салимов О.У., Усмонов К., Фаниев Д. Янги Узбекистоннинг стти зафарли йўли. Т., “Шарқ”, 1999.

Гуломов С., Усмонов К. Мустақиллик Узбекистонга нима берди. Т., «УАЖБНТ» Маркази, 2001.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
Ватан мустақиллiği учун кураш тарихидан .....	3
Ватан мустақиллигининг кўлга киритилиши .....	8
Оғоҳ бўйайлик! .....	10
Жамиятни демократиялаш йўлида .....	11
Тараққиётнинг ўзбек модели .....	14
Маънавий-маданий юксалиш йўлида .....	25
Ватан хавфсизлигининг таъминланиши .....	29
Халқаро ҳамкорлик .....	33
XXI асрга ишонч билан — дадил қадам .....	36
Хулоса .....	38
Фойдаланилган адабиётлар .....	40

# Ўзбекистон 11 йил мустақил тараққиёт йўлида

Мустақиллик дарслари учун ўкув қўлланма

“ЎАЖБНТ” Маркази - Тошкент – 2002

Нашр учун масъул  
Бадиий мухаррир  
Мусаххиха

Н.А. Халилов  
М.А. Ҳайдарова  
О. Меденова

Босишга руҳсат этилди 20.08.2002. Бичими  $84 \times 108^{1/32}$ .  
Офсет қофози. Шартли босма табоби \_\_\_\_\_. Нашр табоби \_\_\_\_\_.  
Адади \_\_\_. Буюртма .

“ЎАЖБНТ” Маркази, 700078, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5

